

Иззатли Хумой ўз узрини шундай бошлади: - Эй сарсон-саргашталар рахнамози! Менга икбол шунчалик кулиб бокканки: хатто мен ўз соям билан кишиларга шараф тахти ато эта оламан. Агар илох зотимга шунчалик шараф бахш этган бўлса, яъни менинг соям хатто гадони шох даражасига кўтарса, мен учун яна шох истамокка не хожат бор?! Ўзимни машаккатга чоғламокнинг нима кераги бор?! Ундан кўра соямдан шохларга панох бериб, хавода учиб юрганим яхши эмасми?!

Худхуднинг Хумойга жавоби

Худхуд унга шундай деди:

— Сенинг бу сўзларинг афсонадан ўзга нарса эмас. Сен айтганларни факат девоналаргина баён кила олади. Айтишингча, гўё зотинг баланд бўлиб, сени кўп шарафли этибди. Гўё сен ўз соянг билан кишиларни шохликка эриштирар эмишсан. Ахир шунчалик хам гумрохлик бўладими? Агар шохлар тарихини вараклаб кўрсанг, бу хил воқеа кайси бир шох тарихида кўрилган? Сенинг соянг билан шох болиб кўтарилган бирон-бир одам борми?! Бу нотўгри афсона сени шод қилибди, шундай бузук эътикодга ошна этибди.

Масалан, бу даъвоинг рост бўлган тақдирда хам, борди-ю сенга бу сифат беҳосдан келган бўлса хам, соянг тушган киши илох кудрати билан шох даражасига кўтарилса хам, бундан сенга нима фойда?! Барибир ит каби даштларда колган суякларни, тўгрироги, гажиб ташланган кокшол суякларни еб тирикчилик қиласан-ку!

Эй бузук хаёлга асир бўлган! Агар билсанг, ушбу холингга бу воқеа яхши мисол бўла олади.

Хикоят

Уммон соҳилида савдо ишлари билан шугулланиб, денгиз савдосида бойишни кўзлаган савдогарлар кўплаб-учрайди. Улар пасткаш гаввосларга беш-ўн дирхам бериб, катта фойда умидида бўладилар. Ўз жонларини юз ранж ўтига дучор қилган бу гаввослар денгиз қаъридан садаф излайдилар. Агар улар топган садаф ичида хох минг дона боисин, хох подшолар тожини безовчи дури шохона бўлсин, барибир бу гаввосга ҳақ тўлаганинг мулки ҳисобланади. Савдогар ана шу тарзда хақиқий гавхарни кўлга киритади, гаввос эса арзимайдиган бир-икки чакага эга бўлиб қолаверади. Гаввос-ку, оз бўлса-да, ўз хақини олади, аммо сен бечорага ўша хам йўқ. Ит каби суяк билан нафсингни тўқ тутиб юраверасан. Оқил бўлсанг, бундай беҳуда сўз айтма, чунки бу сўзларинг бошдан-оёқ хақиқатга ҳилофдир.